

ЖАЛДК СҮЗИ

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

30 МАРТ, СЕШАНБА № 80 (565).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ҚИЗИЛ ЎРДА ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН АНЖУМАНИДА ҚАТНАШДИ



УШБУ УЧРАШУВДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ ВА ОРОЛБЎЙИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ, МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бу анжуманда Россия Федерациясининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.
Минтақа мамлакатлари олий раҳбарларининг учрашуви энг мураккаб ва долзарб иқтисодий, ижтимоий муаммолардан бири — Орол бўйидаги экология таянчилиги, Орол фониаси оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжihat қилинган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланди.
Қизил Ўрда учрашуви-

нинг қатнашчилари бу фони Марказий Осиё давлатларига дахлдор бўлиб қолмай, жаҳоншумул тусга ҳам эгадир, деган бир фикрга келидилар. Кўпгина мамлакатларнинг куч-гайратлари — молиявий, илмий-техникавий, ташкилий имкониятларини бириктириш йўли билангина бу фониани бартараф этиш мумкин.
Анжуманда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммола-

рини ҳал этишга умумий ёндашувлар ишлаб чиқилди, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бундан буён шу ҳужжатлар, жумладан Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси экологийсини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисидаги битим ҳам шу йўлдаги бар-

ча ишларга асос қилиб олинади.
Давлат раҳбарларининг учрашувида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шугулланувчи давлатлараро кенгаш тузилди, Оролни кутариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Қозғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбаев бир йил муддатта шу жамғарманинг Президенти этиб сайланди.

Шу йил августида Қоракўлгоiston пойтахти — Нукус шаҳрида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шугулланувчи давлатлараро кенгаш ва Оролни кутариш халқаро жамғармасининг қўшма мажлисини ўтказишга ҳам қарор қилинди.
Учрашув иштирокчилари, Қозғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон,

ва Ўзбекистон номидан Ырилшган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Бутрос Голлига мактуб йўллаб, Оролбўйидаги мураккаб аҳвол ва рўй берган муаммоларни ҳал этиш учун белгиланган чора-тадбирлар ҳақида, шунингдек Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига халқаро ҳам-жамиятининг диққат-эътиборини жалб қилиш зарурлигини тўғрисида уни хабардор этдилар.
(ЎзА махсус мухбири).

РАСМИЙ ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 март куни Эндру Гельфи бошчилигидаги Франциялик мухбирлар гуруҳини қабул қилди.
Президент Ислам Каримов Франциялик мухбирларга Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазият, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш борасида амалга оши-

риланган иқтисодий ислохотлар, хусусида сўзлаб берди. Мухбирларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.
Қабул маросимида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фақулда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан жаноблари иштирок этди.
(ЎзА).

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ЮРТБОШИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ УҚИБ

Шу кунларда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга жумҳуриятимиз меҳнаткашларидан кўлаб хат ва телеграммалар тўхтовсиз келиб турибди. Уларни ишчи ва хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, кўп болали оналар, Ўзбекистон халқ депутатлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ёшлар йўллашган. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбобларидан ҳам кўтувлар олинмоқда.
Мақтубларнинг ҳар биридан даяр нафас — бугунги кун ташвишларию, келажакка умид-иниҳоят аққол сезилиб турибди. Хат ва телеграммаларда мустақил Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрўси кун сайин ортаётганини, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳаларда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, иқтисодий ислохот, бу мураккаб жараёндаги вазифалар, умумхалқ байрамлари, уларнинг аҳамияти тўғрисида дил сўзлари баён этилган.
Президентга келган мактубларнинг аксарияти наврўз ҳамда Ийд ал-Фитр ҳақида бўлиб, бу байрамларнинг қайта тикланишидан зўр мамнуният ихбор қилинган.

«Хурматли Ислам Абдуғаниевич, менинг набирамга сизнинг номингизни қўйдик» — деб ёзди Хоразм вилояти, Шовот туманидаги ал Беруний номидаги жамоа хўжалигида ишовчи Наримберган Раҳимов. — Шояд у ҳам сиз каби эл-юртга виждон хизмат қилганга дово, ақл-маърифат, кўруви, ақл-маърифат билан иш юртлаган, мустақам иродати бўлиб ўтгайса.
Набирам Ислам шу йилнинг 3 апрелида бир ёшга тўлди. Шу муносабат билан Сизни ва оила аъзоларингизни набирам Исламнинг бир ёшга тўлиши муносабати билан Ўтказилган йилгилига таклиф қиламан».

Бундай мазмундаги хатларни ўқиб эканми, қалбларимиз ўзгача бир қувончга тўлди. Улар чин юракдан ёзилганини муқур ҳис қиламиз. Батавдошларимиз ўз юртбошини билан доимо бирга, ҳамнафас эканига, унга катта ишонч билдираётганига амин бўламиз. Ўзбекистон мустақиллиги йўлида у олиб бораётган илчил ички ва ташқи сиёсатини тўла кўлаб-қувватлаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.
Маълумки, Ўзбекистон Президенти қандай чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Уч соат давом этган бу учрашув кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди. Мақтуб учрашувлари савол-жавоблар республикамиз ва бошқа мамлакатлар жамоатчилиги ўрнатилган кенг шарҳланмоқда. Президент номига келган қўлгина мактублар ана шу муҳим ҳужжатнинг таассуротларига сўхбатиди. Муаллифлар ўз хатлариди жаҳоннинг етакчи журналистлари билан ўтказилган матбуот конференциясини жасорат ва донаторлик дилқас сўхбатга айлантириб юрган президентимиз билан ҳақли равишда фахрланганликларини, у олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қизгин таъкидлаганлар.
Қўноқлик Х. Малвоқулов ўз қалб сўзларини мана бундай ихбор қилди: «Бундай йилгилилар чоғида президентимизга халқнинг эътиқоди, яхши кунларга умиди, Ўзбекистонини доно раҳбар бошқараётганига шукронаси ана ўн чандон ошганлиги аққол намойён бўлмоқда».

Мақтублар — халқ ҳаётининг кўзгуси. Ҳар бир хатда инсон, унинг мураккаб ҳаёти, ташвишлари, дарди, оруз-умидлари акс этган. Мамлакатимиз президентини Ислам Каримовга келадиган ҳар бир хат ва телеграммада баён қилинган жамини фикр-мулоҳазалар, муаммолар, мулоҳазалар, истаклар, тақлифлар агрофлича ўрганиляпти, кутарилаётган масалалар бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилямоқда.
Т. БОТРИКОВ.
(ЎзА).

Депутатлик ҳаловат эмас

Евқочди ака билан 1988 йили Тошкентда танишганман. Фан ноҳоди, техникум директорига нисбатан кўпроқ ишбилармон одам сифатида таассурот қолдирган эдим. Пойтахтга ташрифидан мақсади ҳам ўзи раҳбарлик қилётган масканда ўқув хўжалиги очиб ташвиши экан. Айнан уша йиллари кўплай билим даргоҳларидаги ўқув хўжаликларининг аҳоли оғир, аксарияти фақат зарар келтираётгани тўғрисида уларнинг ёпиш масаласи кўтарилган эди.

Муҳаррират топширигига биноан Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги бир неча ўқув хўжаликлариди бўлиб, ўзим ҳам шундай хулосага келгандим. Ана шундай бир пайтда Евқочди аканинг техникумга ер ундириш ташвишида елиб югураётганини тушунолмай хайрон бўлгандим.

— Гапнингиз тўғри. Жуда кўп жойларда иш яхши ташкил этилган эмас, — дегандаи унда у куйиб пишиб. — Хўш, одамлар ишнинг кўзини билишмасаменда нима айб. Бундан ташқари бизнинг техникум Фарғона водийсидадиди, ер етишмас. Мен хўжаликлар фойдаланаолмаётган ташландиқ ерни сурайтман, холос. Кейин харажатини қандай қоплашни эса менга қўйиб беришин. Ўзбекистон шароитида фақат ношуд одамгина ердан даромад ололмаслиги мумкин.

Шунда ўзимни тутиб туролмай, кўнглимдагини очиб айтиб қўйолдим.
— Мен кечирасизу, шунча ташвиш камлик қилгандай, яна бир бош оғринини нима қиласиз?
— Қизик одам экансиз, — деди у астойдил жаҳли чиқиб. — Нима мен буларни ўзим учун қиламанми? Худода шукр, уй-жой, мол-дунём ўзимга етарли. Катта бир дароғрога раҳбарман. Аммо бунақасига ўрганимаганман.

Утган йил кузагида Евқочди акани сўроқлаб Оқолтинга бордим.
— Сайловчилар билан учрашувга кетганлар. Ундан кейин ўқув хўжалигига ўтадилар, — дейишди идорада.

Рост-да, айримлари ҳатто нечта нақаз борлигини ҳам билишмайди. Мен Хайдаровни уларга тенглаштироқчи эмасман. Лекин вилоят совети депутатининг фаолиятини қўл остидаги ходим бирма-бир айтиб бермоқчи бўлгани ҳам бир қарашдан галати туюлар экан.
— Сиз сира хайрон бўлманг, — деди Яшин худди ўйинни ўқиб тургандек. — Бизда депутатлар кўп. Ҳаммаиз багаслаҳат иш олиб борамиз.

Бу гап янади ҳайратимни оширди.
— У нима деганингиз?
— Директоримиз вилоят советининг депутаты, мен район совети, директор ўринбосари Фарҳод Малдон, ўқитувчи Кўчкор Нурматов Сардоба кишлоқ Советининг депутатлари.

— Демак, Хайдаров бош депутат дег, — дейман ҳазиллашди.
— Шундай десак ҳам бўлаверади. Чунки бизларнинг сайлов округимиз Евқочди ака округининг ичиди. Демак — ишимиз бир-биримизга боғлиқ. Сайловчиларимиз ҳам бир. Шу боис Хайдаров раҳбарлигида берилган нақазларни муҳокама этиб, уларни бажариш йўли йўриқларини келишиб оламиз. Энг оғир юмушларини у киши ўзи зиммаларига олади.

— Масалани?
— Бизнинг бош нақазимиз район марказини ободонлаштириш. Номига кўриб қўйилган паркимиз бор. Лекин қаронсиз эди. Утган йил баҳорда футбол стадиони қуриб, чим ташиб келтириди. Кўплай менали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Чор атрофига шағал ётиқиб чиқиди. Лекин кузакка келиб одамлар мол қўйворишди. Батавдошлар сув қувурларини ўғирлаб кетишди. Энди баҳор келса атрофини ўрашини режалаштириб турибмиз.
(Давоми 4-бетда).

ПРОФЕССОР ҲАЙДАРОВ ШУНАҚА ОДАМ

бирмунча яхшиланганига хизмат қиларди.
Орадан роса бир йил ўтгач Евқочди ака билан у раҳбарлик қилётган техникумда учрашдик. Эримас-қуми роиялик бергани билан юқори идорадагилар кўнишмади. Лекин Хайдаров тонфасандаги одамлар сира ортга чекинмайдилар. Югурди, елди, охири ниятига етди. Бу орада икки-уч йил ўтиб кетди.

Бундай олганда Хайдаров учун ўқув хўжалиги техникум номо-лигини тиклаш учун керак бўлиб қолмаганиди, албатта. Уша пайтлар Оқолтин гидромелиорация техникуми худди ҳозиргидек тармоқ ўқув юртлари ичиди иқтисодий жиҳатдан бақувват, мустақам ўқув базаси-

МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДЎСТОНА ТАШРИФ

Шу йил 31 мартда Малайзия Бош вазири Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад Ўзбекистон Республикасига расмий дўстона ташриф билан келиди. Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад 1989 йилда бўлган эди. Утган вақт мобайнида икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги поғонага кўтарилди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилиги-

даги делегациянинг 1992 йил июнь ойидаги Малайзияга расмий ташрифи бу муносабатларнинг ривожига янги куч бағишлади.
Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқи олий меҳмонни ўзбек дёврида кутлаб, юқори даражада ўтадиган янги мулоқотлар Ўзбекистон Республикаси билан Малайзия ўртасидаги икки томонлама дўстона алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилди, деб умид билдиради.

МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ ДАТО СЕРИ ДОКТОР МАХАТХИР БИН МУҲАММАД ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ



Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад 1925 йил 20 декабрда Кеда штатининг Алоп Сетар шаҳрида туғилди. Иختисоси — врач. 1945 йилдан Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммаднинг сийсий фаолияти бошланди.
1946 йилда — Ырилшган Малай миллий ташкилотининг (УМНО) аъзоси.
1964 йилда умумхалқ сайловларида биринчи марта парламент аъзоси этиб сайланди.
1968 йилда олий таълим бўйича биринчи кенгашга раис этиб тайинланди. 1972 йилда эса олий таълим бўйича маслаҳат кенгашига, университет

судига ва Малай университети кенгашига аъзо бўлади. 1974 йилда миллий университет кенгашига раислик қилди.
1973 йилда Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад сенатор, сўнгра таълим вазири этиб тайинланди. Шунингдек, 1976 йилда Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад бош вазири ўринбосари этиб тайинланди.
1978 йилда Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад савдо ва саноат вазири этиб тайинланди.
1975 йилда Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад вице-президентини этиб сайланди. 1978 йилда — партия президентини ўринбосари, 1981 йилда — партия президенти бўлди.
1981 йилнинг 16 июлидан Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад Малайзиянинг Бош вазири лавозимида ишлаб келмоқда.
Дато Сери Доктор Маҳатхир Бин Муҳаммад оилали. Рафиқаси — Датин Сери Доктор Сити Хасма Муҳаммад Али хоним. Уларнинг 4 ўғли ва 3 қизи бор.
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.

БАҲОРГА ЧЎМИЛДИ ҚИРҚКОКИЛ ҚИЗЛАР

Отаёр ўз ўқувчиларига эга шоир. Унинг ўнга яқин шеърӣ тўпламлари, бир қанча таржима ва насрий китоблари нашр этилган. Шоир ҳозир оғир дард билан олшиб ётибди. Илоҳим, болалари ва минг-минглаб мухлислари бахтига омон бўсин!



НАВРЎЗ

Азалӣ асалӣм, қадим аъванам,
Янги кун — наврӯзим,
Ялғизим-соғам,
Кўкламга келбатим, меҳнат байрамим,
Сен — кулб сумалак улашган онам.
Ўзинг курашларда голиб-югуркан,
Кўшқардан олдин чиққан Гиркўсан,
Сен — сайлим, қўшиғим, ҳашарим,
Тенгим,
Шарафга бурканган куним — ер-қўсан.
Сен қизлар соғига қўчган толбаргак,
Волажон учирган кабутар, варрак.
Сен сўнгсиз қувончим, қуйламоқ учун
Ўша Миртеширим — бузғон керак.
Сен келган кун боғум ўзинга ўзим,
Давраларда, гулгун юзларда қўзим.

Сен келган кун на ғам, на ташвиш дилда,
Зиёрат йўлга боланар изим:
Онамни эсламан — оламга тутган,
Отамни эсламан — элга таинтган,
Эртанги кунларга умрим бахшида,
Улар, шундай бўл деб, дунёдан ўтган.
Шудгорлар ҳовурин тўйдим бўйиндан,
Кузги хирмонларим уйдим ўйиндан,
Юртимнинг камолин рамзи, наврӯзим,
Элим айрилмасин тўйинг, қўйингдан,
Олам турсин, олам кулсин, наврӯзим,
Давраларда бор бўл, май суи,
Кулавер, яйрайвер, эй янги куним —
Баҳорим, боқий нон-тузум, наврӯзим.

ЎЛКА БАҲОРИ

Кулгани рост, Ўзбекистоним,
Биринчи бор ўзингда қўлган.
Сенинг билан тоддими жаҳоним,
Дунё тоддими қўсингда ўлган.
Ўзингдирсан тахдо арқоним,
Сингинганим — баҳорий ҳоқон.
Бу жаҳон жани дўст борким
Оғушинда топодди макон.
Тандаги жон, бошимдаги тоғ,
Тахту бахтим ўзингдан яқин.
Сениз тоғим орауим илож;
Ҳақим йўқдир ишамаликка.
Бу дунёни тага жойлаган
Шабнамдангидан кетай тасаддуқ,
Севгилисини тугда пойлаган
Ошиқ кўздан англадим қўшиқ.

Пайкалингда она алласин
Жон-жонига кўмган болангман.
Ҳам улғайиб сахар палласин
Тонгга тузоқ қўйган болангман.
Тоғларингда қийиқдай сакраб,
Воғларингда боғбондай тўддим.
Камалақдай товланиб-ишнаб
Гул очилган чўлларда қўддим.
Ҳай, полвоним, бели белбоғлиқ,
Пахтаойинг кулар дўшингда,
Атласдайин кутлуг, бежоголиқ,
Келайсан дўстлар тўлида.
Шаршарангдан савраган томчи
Минг ўриллар дунё бўйиндан.
Яроқларинг қурки, ишончи
Баҳорийлигиндан.

ДЕҲҚОН ФАСЛИ

Кўкламдан бошларан яшнаб, яшармоқ,
Уш қирмонига — тамалтоқ фасл.
Шу фасл тўқфаси — ҳар инҳол,
Яроқ,
Эртага қувончбахш этгучи ҳосил...
Шу кенг далалардан ризқ-рўзали
Халқим,
Шу кенг далалардан шарафлиқ, шонли,
То абад меҳнати қўшдай балқиб
Эл-юртин қувнатар азиз деҳқоним.

Бор бўлсин, деҳқоним, дастёрлигинг...
Бироқ меҳнат фаслинг фақат
Кўкламмас.
Аёзу ёзда ҳам ташвишинг қаммас,
Деҳқоним, бор бўлсин, дастёрлигинг.
Шундай фидойидир деҳқонинг фасли,
Лекин у нолимас умру асабдан,
Дарвоқе, мен ҳам шу наслу насабдан,
Мен ҳам шу фаслга ошноман асли.

МОМАҚАЛДИРОҚДАН СЎНГ

(Қишлоқ йўлларда)

Кифтга нимча ташлаб дуркув
Келилар,
Шолчалар ёшиди ўчоқ-таңдирга,
Ҳаётбахш арқлар, дала, кенгликлар
Нафармон лабларин тутди ёмиргар.
Гоҳ тупроқ, гоҳ тошли, гоҳ тап-тақир,
Қишлоқ йўлларда ювилди излар.
Ёмиргар юз тупиб, қувнатиб бағир,
Баҳорга чўмилиди қирқкокил қизлар,
Шудгорлар ҳовурини уфурди ҳаво,
Қирларда жимирлаб ижи тоқиллар,
Кўклам нафасида эртанги садо

Сизқирар —
Меҳнатдан бахт топгучилар,
Сизқирар,
Бурноқ йил каллакларин
Яна умид билан куртақланган тут.
Деҳқон хаёлида минг палак ёйиб,
Бўй берар эртанги барак ва қўт.
...Гумбирлаб кетади момақалдироқ,
Ёмиргар шовқлашди зўравр тағин.
Само авзойига тиг тортар чақмоқ,
Сўнгсиз хаёллар ҳам тарк этар
Тахтин...

ИСТАДИМ

Сир очмоққа сирдош ҳар тун ҳилол
Истадим,
Соғиниб инсол оғин минг бир хаёл
Истадим,
Раҳм қил шаҳлоднинг, ишқ тўрида
Бағрим қон,
Ғойибдан тақдирини қилувга ҳал
Истадим,
Муҳаббат тиги бирла қилсангда
Дилим пора,

Ғунчадек лабларингдан ширин сўз —
Бол истадим,
Кўзларинг нгоҳи ёй қошинга ёйлар
Киприк,
Шаҳлоларинг сайёдинг мен ҳар маҳал
Истадим,
Севгида шаҳодат бўл, эй дил,
Отаёрга сен,
Илҳом парисин йўқлаб бу тонг газал
Истадим.

ПРОФЕССОР ҲАЙДАРОВ ШУНАҚА ОДАМ

(Давоми. Бош 1-бетда).
Бундан ташқари район маркази сув тармоқлари асқириб қолган. Ёвқоқчи ана асосан шу масала билан шуғулланишлар. Жорий йилдан бошлаб янги қурувлар тортиқлини режалаштирилган. Газ масаласи асосан ҳал бўлган. Яна у киши вилоят совети ёшлар билан ишлаш комиссиясининг раис сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб бораётганлар.

Мен ўқув-тажриба ҳўна-лиги иши билан ҳам қизиқ-дим. — Яхшиям шу ҳўжаликни очиб олган эканамиз, — дейди Яшин. — Вугунги деяр-қисоди пайтида жонимизга оро кирди. 1992 йилда фақат пахтанинг ўзидан 18 миллион сўмдан анёд фойда кўрдик. Режадаги ҳўсиннинг 15 фоизи ва ундан ташқари-сидан тушган пул 6,5 мил-лиондан ошиб кетди. Ҳўжалигимизда 146 гек-тар ер бор. Шундан 118

гектарига пахта, қолганга сабазов, полиз экинлари, беда эканамиз. — Ҳўсиндорлик қандай бўлди? — Режа бўйича гектари-дан 21,2 центнердан, яъни 250 тонна пахта етиштири-шимиз керак эди. Ҳўсини 300 тоннага етказдик. 30 тонна помидор, 6 тонна бо-динг, 6 тонна булғор қалам-пири, 42 тонна пивё, 20 тонна қўвун-тарвуз, 10 тон-на шолӣ етиштирдик. Хуллас 1992 йилда Яшигер гид-

1992 йилдан бошлаб техни-кум колледжга айлантирил-ган) харажатининг катта қис-мининг ўқув ҳўналиги қопла-япти. Талабаларнинг озиқ-овқатидан тортиб, ётоқхона-даги шароити яхшилиги ҳам ўз даромадимиз ҳўсибидан. Фориш тоғларининг олис Осмонсой қишлоғида туғил-иб ўсган, меҳнат фойдалиги-ни асосан қўриқ ўзлашти-ришга сарфлаган ва чўқу-варлардан чиққан биринчи профессор Ёвқоқчи Ҳайда-ров 1969 йилда Яшигер гид-

ромилиорация техникумига механик бўлиб ишга келган-ди. Илмга чанқоқлиги, ти-ришқоқлиги, изланувчанлиги туфайли 1980 йилдан бери Оқолтинда гидромелиорация техникуми, эндиликда колледж директори. 1984 йилда номзодлик, 1990 йил-да докторлик диссертацияла-рини ёқлади. 1991 йилда Ўз-бекистон Республикаси Пре-зидентининг Фармони билан Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган халқ маорифи ходими юксак унвонига сазовор бўл-ди. Ёвқоқчи ақанинг аюойиб феълли бор, — дейди Оқол-тин туман ҳўкимияти коти-

ят ҳўкимиятининг бошида бошқармалари кўчиб ўтишди. Хар ҳолда турунлик йилла-рида қурила бошлаган бино бугун ўз эгаларини топди. М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ахборот

БЕДАНАНИНГ УЙИ БОРМИ?

ЎТТАН йили Навоий ша-ҳар ҳўкимияти уй эгалари-га турар жой ҳўқини тў-лашдан олдин ўз паспор-тларин кўрсатишлари маж-бурий деган мазмунда фармойиш чиқарди.

Мойишидан сўнг айрим қи-яғир ишлар ҳам очилиб қол-ди. Шу пайтгача 400 квар-тирада паспорт қондалари бузилиб келинаётган экан. Жўмладан, 41 та квартира-да чет кишилар тургани, 50 та квартирада уй эгала-ри яшамаслиги, 30 та квар-

тира ноқонуний эгаллаб олиналгани аниқланди. Де-мак, ҳали-бери паспорт ре-жимидан воз кечиб бўлма-йди. «Бедананинг уйи йўб, қаерга бора пил-пилдик» де-ган шор бизга «Қизил ил-перия» давридан қолганли-гини эсдан чиқармайлик.

ТУЯ ГЎШТИДАН ТҮЙДИ

ЭНДИ бу муҳташам би-нога Навоий шаҳар ҳўкимли-ги девони, унинг бўлимлари, шунигдек вилоят газета-лари таҳририятлари, вило-

ят ҳўкимиятининг бошида бошқармалари кўчиб ўтишди. Хар ҳолда турунлик йилла-рида қурила бошлаган бино бугун ўз эгаларини топди. М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ят ҳўкимиятининг бошида бошқармалари кўчиб ўтишди. Хар ҳолда турунлик йилла-рида қурила бошлаган бино бугун ўз эгаларини топди. М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ислом ва аёл

УЙ МАЛИКАСИ

Ислом дини бундан 1400 йил олдин аёл билан эри-каларнинг ҳўқуқларини ўзинга яқлаш белгилаб берган. Аёл оилада ҳўч қандай иш қилмасдан ҳам эрига ама-га хизматкор олиб келиб берсин, овқатини пишириб берсин, ирқларини ювиб берсин, боламини боқиб бер-син», деб талаб қўйишга ҳам ҳўққи бор.

Аёл уйда фақатгина фар-зандини дунёга келтириш пай-ида бозор бир вазиофлар бил-дан шуғулланиши лозим бо-лос. Кўнундан келса уй иш-ларини бажариши керак. Аёлга буюрмаслик эрининг вазифаси.

Аёл уйда ўтирган ҳолда ўзининг шахсий мулкига, шахсий тиноротига, шахсий савдоси ва шахсий мол дав-латига эга бўлиши мумкин. Эрига ҳўч нарса бермасдан миллионер бўлишига ҳўққи бор. Эри аёлининг пулидан бир тийин ҳам олишга ҳўққи бериб, ишлар, меҳнат қилиш — бу масўулият, машаққатларнинг ҳаммасидан аёлни ис-лом озоод қилади.

Аёл ўз уйда малика бў-лиши керак. Ленин, агар аёл ишларини хоҳласа, эри оила боқишга оғиз бўлиб қила ярамай қолса, эрининг руҳсати билан ишларни мум-кин. Ленин, шунда ҳам ўзи-нинг аёллик ифрати, аёлик қадр-қиммати, шарм-ҳаслига путур етмайди даражада ишлаб пул топшига ислом дини руҳсат беради.

Тарихда аёллардан ҳўкм-дорлар, олималар, жуда кўп («Садо» халқаро экспресс ахборотномасидан олинди.)

Ушбу сонга А. Бойқўзиев ва И. Топшев навбатчилик қилишди.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
● Таҳририятга ҳўжми 7 қозоғдан ошган материаллар қабул қилина-йди. Фойдаланилмаган мақолаларга аъва жавоб қайтарилмайди.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар маҳкамаси.
Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масўул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-ДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУХИДИНОВ, Лев ПАК (боз муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Алек-сандар ТЮРИКОВ (масўул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЪЕВ, Пиримқўл ҚОДИ-РОВ, Муҳаммаддино ҚОРАБОВЕВ, Саидхўрр ҒУЛОМОВ.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.